

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

БЕККУЛОВ БАТИРАЛИ РАХМАНКУЛОВИЧ

**ШОЛИ ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Беккулов Батирали Рахманкулович

Шоли қуритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва
унинг параметрларини асослаш..... 3

Беккулов Батирали Рахманкулович

Разработка конструкции сушильного устройства шала и обоснование
её параметров..... 19

Bekkulov Batirali Rakhmankulovich

Development of devices design for drying paddy and substantiation of its
parameters 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

БЕККУЛОВ БАТИРАЛИ РАХМАНКУЛОВИЧ

**ШОЛИ ҚУРИТИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.4.PhD/Т371 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nmpi_info@edu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Райимжон
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мансуров Мухторжон Тохиржонович
техника фанлари доктори

Росабоев Абдуқодир Тўхтақўзиенч
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «14» август соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz.)

Диссертация билан Наманган муҳандислик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18520) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160103 Наманган, Ислоҳ Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23)

Диссертация автореферати 2020 йил «25» июль кuni тарқатилди.
(2020 йил «08» июнь даги № 9 рақамли реестр баённомаси).



Н.Ғ.Байбобоев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б., т.ф.д., доцент

В.М.Турдалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.Х.Умурзаков
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда етиштирилган шоли маҳсулотларини қайта ишлашнинг самарали технология ва техникаларини яратиш асосида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини ошириш муҳим ҳисобланади. Статистик маълумотларига асосан, “дунёда шоли экилган майдонлар 2016 йилда 165,22 млн., 2017 йилда 167,25 млн. гектар”¹ ва “дунё бўйича гуруч истеъмоли 2017 йилда 482,727 млн., 2018 йилда 490,266 млн., 2019 йилда 495,87 млн. тоннани ташкил этган”². Дунёда шоли етиштириш миқдори ва гуруч истемол қилиш даражасининг ортиб бориши сабабли, йиғштириб олинган шоли ҳосилини сифатли қуритиш учун хизмат қиладиган ресурстежамкор, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган техника воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон амалиётида шолени сифатли қуритиш ҳисобига кейинги қайта ишлаш технологик жараёнларида олинадиган гуруч миқдорининг ортишини таъминлайдиган ресурстежамкор технологиялар ва уларни амалга оширадиган техника воситаларинининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Чунки, сифатсиз қуритиш шолени механик ишлов бериш жараёнида гуручнинг синишини кўпайтиради ва олинадиган гуруч миқдорининг пасайишига олиб келади.

Республикада донни сифатли қуритишни таъминлайдиган, замонавий, самарадорлиги юқори, ресурстежамкор қурилма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, 2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш”³ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан, ихчам, энергиятежамкор, ишлатишга қулай ва таннархи арзон қуритиш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда, етиштирилган шоли ҳосилини сифатли қуритиш ҳисобига, ундан олинадиган гуруч миқдорини орттириш ва таннархини пасайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади ва республика халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 июлдаги

¹ <https://www.statista.com/statistics/271969/world-rice-acreage-since/>

² <https://www.statista.com/statistics/255977/total-global-rice-consumption/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПҚ-3117-сон “Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида шולי қуритиш жараёнларини сифатли бажарилишини таъминлайдиган турли қурилма ва жиҳозлар ишлаб чиқилган ҳамда улар конструкторлик бюроларига янги машиналарни ишлаб чиқариш учун тавсия этилган. Шолини қуритиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини ўрганиш бўйича ҳорижда С.К.Манасян, Е.Maier ва W.Bakker, J.Folaranmi, H.S.Md. Sazzat, S.Figouzi, Ўзбекистонда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича П.Парпиев, Б.П. Шаймардонов, О.Рахматовлар ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Донни қуритиш қурилмаларининг конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларни таққослаш, синаш ва ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича бир қатор олимлар, жумладан, Д.Ю.Данилов, А.Ж.Сагиндикова, В.М.Курдюмов, Н.В.Цугленок, М.М.Абдюшев, А.Н.Храмов, Н.В.Демский, А.А.Павлушин ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Қуритиш жараёнида қурилманинг параметрларини дон сифатига таъсирини тадқиқ этиш, такомиллаштириш ва уларни ҳисоблаш усуллари бўйича П.Д.Лебедев, А.В.Лыков, И.И.Алиакберов, П.М.Соколов, Е.С.Кричевский ва бошқалар шуғулланишган. Аммо, мазкур тадқиқотларда айрим дон турлари, хусусан, қуритиш қурилмасининг параметрларини шолини қуритиш сифатига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ОТ-2019-41 “Энергия тежамкор кўчма дон қуритиш қурилмасининг конструкциясини яқунлаш, саноат намунасини тайёрлаш, дала шароитида синаш ва жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шолини кам энергия сарфлаб, сифатли қуритишни таъминлайдиган барабанли қуритиш қурилмасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд шоли қуритиш қурилмаларини таҳлил этиш;

шоли қуритиш қурилмаси учун техник топшириқ ва унинг конструкциясини ишлаб чиқиш;

қуритиш барабанидаги шоли уюмининг ҳаракатини унинг параметрларига боғлиқ равишда тадқиқ этиш;

шоли қуритиш қурилмасининг технологик, конструктив ва энергетик

параметрларини аниқлаш;

барабанли шоли қуритиш қурилмасининг мақбул параметрларини асослаш;

шоли қуритиш қурилмасининг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шолини барабанли қурилмада қуритиш технологик иш жараёни ва уни амалга оширадиган конструкция олинган.

Тадқиқотнинг предмети барабанли қуритиш қурилмасида шоли қуритиш жараёнини ифодалайдиган аналитик боғланишлар ҳамда унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини қуритиш параметрларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, ГОСТ 13586.5 – 2015) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шоли қуритиш учун ихчам энергия ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган барабанли қуритиш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

қуритиш барабанидаги шоли уюмининг ҳаракатини ифодалайдиган аналитик боғланишлар унинг оғирлик марказининг кинематик параметрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

шоли қуритиш қурилмасининг технологик, конструктив ва энергетик параметрлари унинг даврий ишлаши ва барабаннинг сиғимидан келиб чиққан ҳолда асосланган;

шоли қуритиш қурилмасининг мақбул конструктив ўлчамлари ва иш режимлари унинг иш сифат кўрсаткичларини ўзгаришига боғлиқ равишда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шоли қуритиш учун барабанли қуритиш қурилмасининг энергия ва ресурстежамкор ҳамда ихчам конструкцияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган қурилмада ишчи ҳароратни ҳосил қилишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш асосида қуритиш барабани ичидаги ҳаво ҳароратини маълум даражага етказиш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдорини аналитик ва график усулларда аниқлаш имконияти яратилган ва шоли уюми учун асосий теплофизик катталиқ бўлган солиштирма иссиқлик сиғими экспериментал усулда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларни замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, қурилманинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган қуритиш қурилмасининг синовларини ижобий натижалари ва амалиётда жорий

этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шоли қуритиш сифатини кам энергия сарфлаб таъминлайдиган барабанли қуритиш қурилмасининг параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш қурилмаларнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган қуритиш қурилмасида шоли қуритилса, моддий ҳаражатлар, меҳнат сарфини камайиши ҳамда иш унумини ошиши ҳисобига битта қурилмадан 9537825 сўм иқтисодий самарага эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Шоли қуритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шоли қуритиш технологик жараёни учун барабанли қурилманинг техник ечимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Устройство для сушки зерновых продуктов», №FAP 01403 – 2019 й.). Натижада шоли учун барабанли қуритиш қурилмасининг конструкцияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган шоли қуритиш қурилмаси Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Тешабой ишончи” ва “Дурдона Саида умиди” фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 24 июлдаги 02/021 – 1346-сон маълумотномаси). Натижада қурилманинг электр энергияси истеъмоли 4,5 кВт·соат бўлганда шоли қуритиш самарадорлигини табиий усулда қуритишга нисбатан 3 марта оширишга эришилган;

шоли қуритиш қурилмаси Андижон вилоятидаги “Хамиджон ишончи” фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 24 июлдаги 02/021 – 1346-сон маълумотномаси). Натижада қуритилган шוליға механик ишлов бериш билан табиий усулда қуритилган шолдан 98 кг гуруч, қурилмада қуритилган шолдан 102 кг гуруч олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма “IX Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси” кўргазмасида намоиш этилган ва диплом билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти ва 1 та гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари”** деб номланган биринчи бобида чет элларда ва республикада етиштирилган шолени қуритишда қўлланилаётган технология ва техника воситалари, қуритиш қурилмаларининг турлари, уларни ишлаш принциплари ва ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, шолни учун барабанли қуритиш қурилмасининг асосий вазифаси ва уларга қўйиладиган агротехник талаблар ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ўтказилган таҳлиллар асосида, шолни қуритиш сифатини ошириш, қуритишга кетадиган вақтни қисқартириш ва унга сарфланадиган моддий харажатларини камайтиришга барабанли қуритиш қурилмасидан фойдаланиш орқали эришиш мумкинлиги исботланган.

Диссертациянинг **“Шоли қуритиш қурилмасининг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини назарий асослаш”** деб номланган иккинчи бобида шолни қуритиш қурилмасининг асосий параметрлари, шолни қуритиш қурилмасининг технологик схемаси, ишлаш принципи ва кинематикаси тўғрисида маълумотлар ҳамда қуритиш барабанидаги шолни уюмининг оғирлик марказини кинематик параметрларини тадқиқ этиш, қуритиш барабани ва шолни қуритиш қурилмасининг технологик, конструктив ва энергетик параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Аввал бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган




- 1—юклаш бункери; 2—винтли транспортёр; 3,6 ва 17—новлар; 4—қуритиш барабани;
5—созланадиган тирқиш; 7—тайёр маҳсулот учун идиш; 8—қўзғалмас секция;
9—иситкич; 10—вентилятор; 11,15—электродвигателлар; 12,14—муфталар;
13—редуктор; 16—тасмали узатма; 18—асос

1-расм. Шоли қуритиш қурилмасининг технологик схемаси

илмий изланишлар натижасида шоли қуритиш учун конвектив усулга асосланган қурилма ишлаб чиқилди (1-расм).

Қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича: қуритиладиган шоли юклаш бункери 1 дан винтли транспортёр 2 га тушади. Винтли транспортёр ёрдамида шоли юқорига кўтарилиб, нов 3 орқали қуритиш барабани 4 га маълум миқдорда юклангандан кейин, бункер 1 дан шолини юбориш тўхтатилади. Шу пайтда қўзғалмас секция 8 да жойлашган иситкич 9 ёрдамида ҳосил қилинган иссиқ ҳаво вентилятор 10 орқали қуритиш барабанига узатилади. Қуритиш барабани 4 даги созланадиган тирқиш 5 очилиб, шоли махсус нов 6 орқали кейинги қуритиш учун яна винтли транспортёр 2 га тушади. Қуритиш цикли такрорланади ва тайёр бўлган маҳсулот, яъни қуритган шоли нов 17 орқали идиш 7 га етказиб берилиб, қошларга жойланади.

Қуритиш барабанидаги шоли уюмининг ҳаракати марказдан қочма, пардасимон, ёмғирсимон, думалаш ва ишқаланиш каби қисмларнинг биргаликдаги ҳаракатидан ташкил топган (2-расм).




1–марказдан қочма; 2–пардасимон; 3–ёмғирсимон; 4–думалаш; 5–ишқаланиш;
6–умумий циркуляция йўналишида

2-расм. Шоли уюмининг қисмларини қуритиш барабанидаги ҳаракатини схема кўринишлари

3-расмда тасвирланган схемага асосан, шоли уюмининг маълум масса m_a га эга бўлган ишқаланишдаги қисми M доимий бурчак тезлик ω билан айланаётган горизонтал текислик билан қиялик бурчак α ни ташкил этган қуритиш барабанининг айлана кўринишидаги траекторияси 1-чоракда жойлашган ва барабан девори билан β бурчакка кўтарилаётган ҳолатда тадқиқ этилди. Шоли уюмининг қисмига қуйидаги кучлар таъсир этади: $G_o = m_a g$ – оғирлик кучи; $F_M = m_a \omega^2 R_6$ – марказдан қочма куч; F_N – барабан ички юзасидаги реакция кучи, унинг Z ўқдаги ташкил этадиган F_{NZ} кучи, ишчи юзадаги ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ нинг Z ўқдаги ташкил этадиган $F_{ишкZ}$ кучи.

3-расмда YZ текисликда қуритиш барабанида шоли уюми қисмига таъсир этадиган кучлар схемаси тасвирланган.



3-расм. YZ текислик бўйича қуритиш барабанида шоли уюми қисмига таъсир этадиган кучлар схемаси

Анъанавий схемалардан фарқли, YZ текисликда марказдан қочма куч $F_{ин}$ шоли уюмининг қуритиш барабани ичида кўчишига, яъни ҳаракатланишига ёрдам беради. 4-расмга асосан, YZ текисликда оғирлик кучи $G_δ$ ва марказдан қочма куч $F_{ин}$ шоли уюмининг қисмини пастга сирпаниб тушишга мажбур қилади. Бу жараёнга ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ қаршилик кўсатади. YZ текисликдаги ишқаланиш кучи $F_{ишк}$ нинг ташкил этадигани қуйидагича аниқланади

$$F_{ишкZ} = fF_{NZ} = f(m_a \omega^2 R_δ + m_a g \cos \beta), \quad (1)$$

бунда f —ишқаланиш коэффиценти; m_a —шоли уюми қисми массаси, кг; ω —қуритиш барабанининг бурчак тезлиги, c^{-1} ; $R_δ$ —қуритиш барабанининг радиуси, м; g —эркин тушиш тезланиши, m/c^2 ; β —шоли уюмининг қисмини кўтарилишидаги оғирлик кучи йўналиши ва Y ўқи орасидаги бурчак, градус.

Тадқиқ этилаётган шоли уюмининг қисми 1-чоракда YZ текисликда барабан девори билан бирга қуйидаги динамик шарт бузилгунча қадар кўтарилиб боради

$$G_δ \sin \beta \geq F_{ишкZ}. \quad (2)$$

(2) шартдан қуйидаги боғланишни оламиз

$$g \sin \beta - f\omega^2 R_δ - fg \cos \beta = 0. \quad (3)$$

(3) ифодадаги бурчак тезликни қуритиш барабанининг айланишлар сони, яъни $\omega = (\pi n_δ / 30)$ га боғлиқлигини ҳисобга олиб, қуйидагича ёзиш мумкин


$$n_δ = \frac{30}{\pi} \sqrt{\frac{g \sin \beta + fg \cos \beta}{fR_δ}}. \quad (4)$$

Шоли уюмининг қисмини 1-чоракда қуритиш барабанининг айланишлар сони $n_δ$ га боғлиқ равишда кўтарилиш бурчаги β ни ўзгариш қонуниятини аниқлаш учун $f=0,3$; $R_δ=220 - 660$ мм ва $g=9,8$ m/c^2 қийматларда (4) ифода бўйича ҳисоблашлар амалга оширилди (4-расм).


4-расмда тасвирланган графиклардан кўриниб турибдики, қуритиш барабанининг айланишлар сонини юқори қийматларида, марказдан қочма кучнинг ортиши реакция кучининг ортишига, реакция кучининг ортиши эса ишқаланиш кучининг ортиши ва шоли уюми қисмининг механик

шикастланишига олиб келади. Шунинг учун экспериментал тадқиқотларда қуритиш барабанининг айланишлар сонини мақбул қийматини $16-18 \text{ мин}^{-1}$ қуйи ораликда аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

У ўқи бўйича оғирлик кучининг ташкил этувчиси $m_a g \cos \alpha$ ва марказдан қочма куч $F_{ин}$ шולי уюми қисмининг кўчишини чеклашга, оғирлик кучининг ташкил этувчиси $m_a g \sin \alpha$ ва қуритиш агенти (шамол)нинг босим кучи $F_{ш}$ эса кўчишни таъминлашга ҳаракат қилади (5-расм).



4-расм. Қуритиш барабанининг айланишлар сонига боғлиқ шולי уюмининг қисмини кўтарилиш бурчагининг ўзгариши графиклари



5-расм. ХУ текислигида шולי уюми қисмига таъсир этадиган кучлар схемаси

Х ўқидаги ишқаланиш кучининг ташкил этувчиси $F_{ишкX}$ қуйидагича аниқланади

$$F_{ишкX} = fF_{NX} = f(m_a \omega^2 R_{\delta} + m_a g \cos \alpha). \quad (5)$$

Ишқаланиш кучи қуйидагига тенг

$$F_{ишк} = \sqrt{F_{ишкX}^2 + F_{ишкZ}^2} \quad (6)$$

Тадқиқ этилаётган шולי уюмининг қисмини дифференциал тенгламаси қуйидагича ифодаланади

$$m_a \ddot{x} = G_{\delta} \sin \alpha + F_{ш} - F_{ишкX}. \quad (7)$$

Қуритиш агентининг босим кучи қуйидагича аниқланади

$$F_{ш} = kV_{ш}^2, \quad (8)$$

бунда k —қуритиш агентининг босим кучини коэффиценти, кг/м; $V_{ш}$ —қуритиш агентининг тезлиги, м/с.

Қуритиш агентининг босим кучини коэффиценти қуйидагига тенг


$$k = q\rho_x A, \quad (9)$$

бунда q –ҳавонинг қаршилик коэффиценти; $q=0,12-0,26$; $\rho_x=1,2$ кг/м³; A –мидель кесим юзаси (шоли уюмининг қисмини кўндаланг текисликдаги проекцияси юзаси), м².

(7) дифференциал тенгламани ечиш учун $t_0=0$ да $V_0=0,7$ м/с ва $x_0=0$ бошланғич шартларни инобатга олиб, қуйидаги боғланишни оламиз

$$x = \frac{(m_a g \sin \alpha + kV_{u}^2 - f(m_a \omega^2 R_o + m_a g \cos \alpha))t^2}{2m_a} + 0,7t. \quad (10)$$

Шоли уюмининг қисмини X ўқидаги кўчишини қуритиш агентининг тезлигига боғлиқ равишда, ўзгариш қонуниятини аниқлаш учун $m_a=1,0$ кг; $\omega=2,72$ с⁻¹; $\alpha=20^\circ$; $f=0,3$; $R_o=0,44$ м; $g=9,8$ м/с²; $k=0,0024$ кг/м ва $t=5...15$ с қийматларда (10) формула бўйича ҳисоблашлар амалга оширилди ва шоли уюмининг қисмини X ўқи бўйича кўчишини қуритиш агентининг тезлигига боғлиқ ўзгариш графиклари қурилди (6-расм).



6-расм. Шоли уюмининг қисмини X ўқи бўйича кўчишини қуритиш агентининг тезлигига боғлиқ ўзгариш графиклари


6-расмдаги графикларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, вақт ортиши билан шоли уюмининг қисмини кўчиши жадаллашади. Қуритиш барабанининг радиуси $R_o=440$ мм ва қуритиш агентининг тезлиги $V_u=1$ м/с га тенг бўлганда, X ўқи бўйлаб 1 кг шоли уюмининг қисмини кўчиши 5 секундда 0,37 метрни ташкил этади, 1,8 м масофага кўчиши учун эса 24,3 секунд вақт талаб этилади. У ҳолда бир минутда 2,47 кг, бир соатда эса барабандан 148 кг дан ортиқ шоли уюми 1,8 м масофага кўчади. Шунинг учун барабан узунлигини $L_o=1,8$ м қабул қиламиз. Шундай қилиб, экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун тайёрланадиган қурилмани қуритиш барабанининг радиусини $R_o=440$ мм ва узунлигини $L_o=1800$ мм га тенг деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуритиш барабанининг айланма ҳаракатини таъминлаш учун керак бўладиган куч F_t ва буровчи момент T_o нинг қийматини ҳисоблаш керак. Қуритиш барабанини ҳаракатга келтирадиган куч ва буровчи моментнинг қийматини ҳисоблаш учун 7-расмда тасвирланган схемадан фойдаланамиз.

Қуритиш барабанини ҳаракатга келишини таъминлаш учун F_t кучнинг миқдори A ва B таянчлардаги ишқаланиш кучи $F_{ишқ}$ дан катта бўлиши, яъни қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$F_t > F_{\text{ишк}} \quad \text{ёки} \quad T_{\delta} > M_{\text{ишк}}, \quad (11)$$

бунда T_{δ} —қуритиш барабанини ҳаракатга келтириш учун керак бўлган буровчи момент, Нм; $M_{\text{ишк}}$ —ишқаланиш кучининг momenti, Нм.



7-расм. Куч ва буровчи моментни қийматини ҳисоблаш учун схема

B таянчдаги ишқаланиш кучи қуйидагига тенг

$$F_{\text{ишк}} = fN_{\text{ишк}} = fR_{BY} = fm_{\delta}g \cos \alpha / 2, \quad (12)$$

бунда N_B — B таянчдаги нормал реакция кучи, Н; R_{BY} — B таянчдаги реакция кучининг ташкил этувчиси, Н; m_{δ} —қуритиш барабанининг массаси, кг; α —қуритиш барабанининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги, градус.

Ишқаланиш кучининг momenti қуйидагига тенг

$$M_{\text{ишк}} = fdm_{\delta}g \cos \alpha / 4, \quad (13)$$

бунда d —қуритиш барабани валининг радиуси, м.

(23) ифодадан кўришиб турибдики, қуритиш барабани валининг диаметри ва массасини ортиши ишқаланиш куч моментининг қийматини ортишига олиб келади. Шунинг учун лойиҳалашда барабан валининг диаметри ва массасини кичикроқ танлаш мақсадга мувофиқ.

Қуритиш барабанининг массаси $m_{\delta}=200$ кг, валининг диаметри $d=72$ мм ва горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги $\alpha=20^{\circ}$ ташкил этганда, ишқаланиш кучи $F_{\text{ишк}}=552,5$ Н, ишқаланиш momenti $M_{\text{ишк}}=19,9$ Нм га тенглиги аниқланди. Аниқланган қийматлар асосида 4A71A4 маркали ($P=0,55$ кВт, $n_c=1500$ мин⁻¹) электродвигател танланди ва қуритиш барабанининг валидаги буровчи момент $T_{\delta}=196$ Нм тенг бўлиши аниқланди.

Қуритиш барабанининг ташқи юзасини иссиқлик изоляциялайдиган композицион материал билан қопланиши ташқи муҳит билан иссиқлик алмашинувини самарали равишда камайтиради. Шунинг учун ҳисоблашларда ташқи муҳит билан иссиқлик алмашинувини шартли равишда йўқ деб қабул қилиш мумкин.

У ҳолда, талаб қилинадиган иссиқлик миқдори қуйидагига тенг

$$Q_x = c_x \rho_x V_x (t_2 - t_1), \quad (14)$$


бунда c_x —ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими ($V_x = const$), Ж/(кг·°C); ρ_x —ҳавонинг зичлиги, кг/м³; V_x —қуритиш барабанининг ҳажми, м³.

Қуритиш барабанидаги ҳавонинг ишчи температурасига эришиш учун талаб этиладиган вақт қуйидагига тенг

$$\tau = Q_x / N, \quad (15)$$

бунда N — иситкич қуввати, кВт.

Қуритиш барабанини лойиҳалаш учун унинг ўлчамларини инобатга оладиган номограмма ишлаб чиқилди (8-расм).



а - $N=1$ кВт; б - $N=2$ кВт; в - $N=3$ кВт; г - $N=4$ кВт; д - $N=5$ кВт

8-расм. Қуритиш барабани учун иситкич қуввати (N) ни танлаш номограммаси

Бу номограмма ёрдамида қуритиш барабанининг ўлчамларини инобатга олган ҳолда унинг ичидаги ҳаво ҳароратини маълум градусдан керакли градусга кўтариш учун қанча қувватга эга бўлган иситкич танлаш ва қанча вақт талаб этилишини аниқлаш имконияти яратилди. 8-расмда тасвирланган номограммадан қуйидагича фойдаланилади. Масалан, куз кунларида ҳавонинг ҳарорати 20°C ни ташкил этса, шолени қуритиш учун қуритиш барабанида 35°C ҳаво ҳароратини ҳосил қилиш лозим. У ҳолда, температуралар фарқи 15°C га тенг бўлса, ишчи температурага эришиш учун талаб этиладиган вақт $t=56,6$ сек, барабан ҳажми $V=1,09$ м³ ва иситкич қуввати $N=3$ кВт га тенг бўлади.

Диссертациянинг “**Экспериментал тадқиқотлар ва уларнинг натижалари**” деб номланган учинчи бобида экспериментал тадқиқотлар дастури ва уларни ўтказиш шароити, шоли қуритиш қурилмасининг тажриба нусхасини тайёрлаш, қурилма параметрларини қуритиш кўрсаткичларига таъсири, қурилманинг асосий параметрларини мақбуллаштириш ҳамда шоли уюмининг солиштирма иссиқлик сифимини аниқлаш натижалари келтирилган.

Ўтказилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар, ишлаб чиқилган “Дастлабки талаблар” ҳамда “Техник топшириқ” асосида, мақбул параметрларга эга бўлган шоли қуритиш қурилмасининг стационар ва қўчма

вариантидаги тажриба нусхалари тайёрланди (9-расм).



9-расм. Кўчма шоли қуритиш қурилмасининг умумий кўриниши

Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, қуритиш самарадорлиги юқори, қуритиш барабанидан чиқадиган шоли намлиги талаб даражасида ҳамда шоли уюмидаги гуруч чатнаши минимал бўлиши учун параметрларининг асосий ўлчамларини мақбуллаштиришда иситкич қувватининг қийматини 4,0 кВт, қуритиш агентининг тезлигини 0,75 м/с дан кичик ва барабаннинг созланадиган тирқиши кенглигини 1,0 см ва унинг айланишлар сонини 10 мин⁻¹ дан катта қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар экан.

Шоли қуритиш қурилмасининг параметрларини мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун қуритиш қурилмасининг иситкич қуввати, қуритиш агентининг тезлиги, қуритиш барабанининг созланадиган тирқиш кенглиги ва барабаннинг айланишлар сони унинг иш кўрсаткичларига энг кўп таъсир этадиган омиллар сифатида танланди.

Кўп омилли экспериментал тадқиқотларни баҳолаш мезони сифатида қурилманинг қуритиш самарадорлиги, қуритиш барабанидан чиқадиган шоли массасининг намлиги ва шоли массасидаги гуруч чатнаши қабул қилинди.

Олинган натижаларга ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодалайдиган куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

қурилманинг қуритиш самарадорлиги бўйича (кг/соат)

$$Y_1 = 147,612 + 0,847X_1 + 2,113X_2 + 1,887X_3 + 4,250X_4 - 0,604X_1X_3 - 0,729X_1X_4 + 0,995X_4 - 3,538X_2X_3 + 1,795X_3^2 + 1,662X_4^2; \quad (16)$$

қуритиш барабанидан чиқадиган шоли массасининг намлиги бўйича (%)

$$Y_2 = 13,210 - 1,003X_1 - 0,850X_2 + 0,95X_3 + 0,733X_4 + 0,728X_1^2 - 0,071X_1X_2 + 0,087X_1X_3 -$$

$$- 0,496X_1X_4 - 0,622X_1^2 - 0,554 X_2X_4 + 0,578X_3^2 + 0,504 X_3 X_4 + 0,578X_4^2; \quad (17)$$

қуритиш барабанидан чиқадиган шоли массасидаги гуручнинг чатнаши бўйича (%)

$$Y_3 = 1,046 + 1,528X_1 + 0,951X_2 - 1,274X_3 - 1,004X_4 + 1,743X_1^2 - \\ - 0,155X_1X_2 + 0,154X_1X_3 + 0,155X_1X_4 + 0,749X_2^2 + 0,352X_2X_3 + \\ + 0,112X_2X_4 + 0,723X_3^2 - 0,152X_3X_4 + 0,690X_4. \quad (18)$$

Олинган регрессия тенгламаларидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Регрессия тенгламалари Y_1 –қурилманинг қуритиш самарадорлиги 150 кг/соат дан юқори, Y_2 –қуритиш барабанидан чиқадиган шоли массасининг намлиги 12,0 фоиздан кичик ва Y_3 –қуритиш барабанидан чиқадиган шоли массасидаги гуруч чатнаши 3,0 фоиздан кичик қийматга эга бўлиш шартдан келиб чиқиб, MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, қурилманинг қуритиш самарадорлиги юқори, яъни 150 кг/соат бўлишини таъминлаш учун иситкич қуввати 3,0 кВт, қуритиш агентининг тезлиги 0,7 м/с, қуритиш барабанининг созланадиган тирқишини кенглиги 2,34 см ва қуритиш барабанининг айланишлар сони 16,7 мин⁻¹ ни ташкил этиши керак экан.

Таҳлиллар асосида шоленинг солиштирма иссиқлик сиғимини аниқлаш усули ишлаб чиқилди. Шоли уюмининг солиштирма иссиқлик сиғимини аниқлаш усули қуритиш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдорини ҳисоблаш имконини яратди. “Девзира” ва “Аланга” навлари учун солиштирма иссиқлик сиғимларининг қийматлари, мос равишда, 2117 Ж/(кг°С) ва 2458 Ж/(кг°С) га тенглиги экспериментал тадқиқотларда аниқланиб, “Девзира” навли шолени қуритиш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдори “Аланга” навли шолига нисбатан 1,16 марта кам эканлиги исботланди.

Диссертациянинг **“Шоли қуритиш қурилмасининг хўжалик синов натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида қурилманинг синаш дастури, шоли қуритиш қурилмасининг тажриба нусхасини қисқача техник таснифи, унинг синовларини натижалари ва техник-иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Ишлаб чиқилган шоли қуритиш қурилмасининг тажриба нусхаси синовларда белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шоли қуритиш қурилмасидан фойдаланганда, қуритиш жараёнига кетадиган вақтни 3 марта қисқариши, 1,0 кг шолени қуритишга сарфланадиган моддий харажатларни 65 фоизга камайиши эвазига битта қурилмадан бир йилда 9537825 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

ХУЛОСА

“Шоли қуритиш қурилмасининг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини асослаш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Конвектив қуритиш усулидан фойдаланиб, шолини қуритиш сифати ва самарадорлигини оширишга ҳамда моддий ва меҳнат харажатлар сарфини камайтиришга барабанли қуритиш қурилмасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг конструктив параметрлари ва иш режимларини асослаш орқали эришиш мумкин.

2. Яратилган барабанли шоли қуритиш қурилмасининг конструктив ва технологик параметрларининг ўзаро боғланишларини ифодаловчи ҳамда кенг диапазонда уларни ҳисоблашга имкон берадиган назарий ишланма таклиф этилган. Унинг ёрдамида қурилманинг конструктив ва технологик параметрлари аниқланган.

3. Шолини қуритиш самарадорлиги ҳамда ундан олинадиган гуруч миқдорини юқори бўлиши ва шоли уюмидаги гуручнинг чатнашини камайтириш барабаннинг радиуси 440 мм, узунлиги 1800 мм, қуритиш агентининг тезлиги 1,0 м/с дан кичкина бўлиб, унинг айланишлар сони 16-22 мин⁻¹ ва созланадиган тирқишнинг кенглиги 1-3 см ни ташкил этганда таъминланади.

4. Қурилма барабанидаги қуритиш агенти учун ишчи температурани ҳосил қилишнинг назарий асослари барабан ичидаги ҳаво ҳароратини маълум даражага кўтариш учун талаб этиладиган иссиқлик миқдори ва вақтини аналитик ҳамда график усулларда аниқлаш ва маълум ҳаво ҳароратида иситишга сарфланадиган электр энергия миқдорини топиш имконини беради.

5. Қуритиш қурилмасининг самарадорлиги 150 кг/соат ни ташкил этиб, агротехник талаблар даражасидаги қуритиш сифатини таъминлашга иситгич қуввати 3,0 кВт, қуритиш агентининг тезлиги 0,7 м/с, қуритиш барабанининг созланадиган тирқишини кенглиги 2,34 см ва унинг айланишлар сони 16,7 мин⁻¹ га тенг бўлганда эришилади.

6. Шоли уюмидаги гуручнинг чатнаши қуритиш агентининг температурасига боғлиқ бўлиб, унинг қиймати 50 °С дан ошмаганда, гуручнинг чатнаши минимум ва лаборатория шароитидаги унувчанлиги 96 фоизни ташкил этиб, агротехник талабларга жавоб берадиган шоли олиш таъминланади.

7. Барабанли қуритиш қурилмасидан фойдаланиш, 1 кг шолини қуритиш учун сарфланадиган моддий харажатларни 65 фоизга камайтириб, битта қурилмадан бир йилда 9537825 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

БЕККУЛОВ БАТИРАЛИ РАХМАНКУЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА КОНСТРУКЦИИ СУШИЛЬНОГО УСТРОЙСТВА
ШАЛА И ОБОСНОВАНИЕ ЕЁ ПАРАМЕТРОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.4.PhD/Т371.

Докторская диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: e-mail: (www.nmpi_info@edu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Алиев Райимжон
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мансуров Мухторжон Тохиржонович
доктор технических наук

Росабоев Абдукодир Тухтакузиевич
кандидат технических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «14» августа 2020 г. в 10 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер 18520 (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23.)

Автореферат диссертации разослан «28» июля 2020 года
(Протокол рассылки № 9 «08» июля 2020 года).



Н.Г.Байбобоев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени в.и.о., д.т.н., доцент

В.М.Турдалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

А.Х. Умурзаков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире важным является повышение темпа роста производства переработки выращенных зерновых продуктов на основе создания эффективных технологий и техники. По данными мировой статистики «посевные поля в 2016 году составила 158,8 млн. га, в 2017 году 161,1 млн. га»¹ и «потребление риса в 2017 году составила 482,727 млн. тонн, в 2018 году 490,266 млн. тонн»². В этом направлении в связи с постепенным ростом выращивания и потребления риса особое внимание уделяется к внедрению модернизированных энерго и ресурсосберегающих технических средств и технологий, способствующих качественной сушки урожая шала.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий, обеспечивающих высокого выхода качественного риса при механической обработки шала за счет качественной сушки. В этом плане важной задачей является осуществление целевого научного исследования направленного качественной сушки и повышения выхода качественного риса при механической обработки шала.

В республике особое внимание уделяется внедрению современных, высокопроизводительных, ресурсосберегающих устройств и технологий обеспечивающих качественной сушки зерна. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана 2017-2021 годы» отмечены задачи, в частности, «...увеличение более в два раза внутреннего валового продукта до 2030 года, ...оптимизация посевных полей намеченных для 2017 - 2020 годы, эффективное использование земляных и водяных ресурсов, внедрение современных интенсивных технологий»³. Для выполнения этих задач особое место занимает увеличение количество риса и снижение себестоимости с использованием компактных, энергосберегающих, удобных в эксплуатации и дешевых сушильных устройств, обеспечивающих качественной сушки шалы.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в

¹<https://www.statista.com/statistics/271969/world-rice-acreage-since/>

²<https://www.statista.com/statistics/255977/total-global-rice-consumption/>

³Указ Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан»

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики П. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В мировой практике разработаны ряд устройств и оборудований, обеспечивающие качественной сушки шала. Некоторые из них рекомендованы в качестве конструкций для создания новых машин. Разработка сушильных устройств, вопросы изучения их параметров рассмотрены ряд учеными из других стран, в частности С.К.Манасян, Е.Maier, W. Bakker, J.Folaranmi, H.S.Md.Sazzat, S.Firouzi и другие. В работах ученых нашей республики А.П.Парпиев, Б.П.Шаймардонов, О.Рахматова и других изучены устройства и процессы сушки сельскохозяйственных продуктов.

Разработка конструкций сушильных устройств, их сопоставление, испытание и обоснование параметров рабочих узлов рассмотрены многими учеными, в частности Д.Ю.Данилов, А.Ж.Сагындикова, В.М.Курдюмов, Н.В.Цугленок, М. М.Абдюшев, А.Н.Храмов, Н.В.Демский, А.А.Павлушина и другие.

